



# Journal of Natural Sciences

**№2**  
**(2021)**

<http://www.natsciences.jspi.uz>



<u>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ</u>	<u>ТАХРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p><b>Бош муҳаррир –</b> У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p><b>Бош муҳаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова,</b> PhD, доц.</p> <p><b>Масъул котиб-</b> Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Худанов У – Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.</li><li>2. Кодиров Т- к.ф.д, профессор</li><li>3. Абдурахмонов Э – к.ф.д., профессор</li><li>4. Султонов М-к.ф.д, доц</li><li>5. Рахмонкулов У-б.ф.д., проф.</li><li>6. Хакимов К –г.ф.н., доц.</li><li>7. Азимова Д- б.ф.н.</li><li>8. Мавлонов Х- б.ф.д., доц</li><li>9. Юнусова Зебо – к.ф.н., доц.</li><li>10. Гудалов М- фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)</li><li>11. Мухаммедов О- г.ф.н., доц</li><li>12. Хамраева Н- фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)</li><li>13. Рашидова К- фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц</li><li>14. Мурадова Д- фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц</li></ol>
<p><b>Муассис-Жиззах давлат педагогика</b> институти</p>	
<p>Журнал 4 марта чиқарилади (хар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчиб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Sciences-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

Ўзбекистонда тарқалган *Dracoscephalum* L. туркуми турларининг  
биоморфологияси

Абдуллаева Нилуфар Сагдуллаевна

б.ф.ф.д. (PhD)

ЖДПИ, биология ва уни ўқитиш методикаси кафедраси катта  
ўқитувчиси

Ғаниева Азиза Вали қизи

ЖДПИ, биология йўналиши 1 курс талабаси

**Аннотация.** Мақолада *Dracoscephalum* L. туркуми турларининг турли экологик мухитда морфо-биологик хусусиятлари тўғрисида маълумотлар берилган. Ўсимлик турлари ҳаётий шакли таҳлил этилган.

**Аннотация.** В статье представлена информация о морфо-биологических свойствах видов рода *Dracoscephalum* L. различных экологических средах. Была проанализирована жизненная форма видов растений.

**Annotation.** The article provides information on the morpho-biological properties of *Dracoscephalum* species in different ecological environments. The life form of plant species was analyzed.


Республикамиз флораси таркибини замонавий тадқиқот методлари асосида аниқлаш, ўсимликлар копламининг ҳолатини баҳолаш, муҳофаза қилиш ва барқарор фойдаланиш, биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш юзасидан олиб борилаётган тадқиқотлар алоҳида ўрин тутди. Флористик тадқиқотлар жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган ва янги маълумотлар кўлами ортиб бораётган бир вақтда биохилма-хилликни сақлашга хизмат қиладиган тизимли тадқиқотларни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

*Dracoscephalum* L. туркуми *Lamiaceae* оиласига мансуб туркумдир. Биоэкологик таҳлилар борасида, Ўзбекистон республикаси ҳудудида туркум турларининг ҳаётий шакли, баландлик минтақаларида учраши, тупроги ва турли эколого-географик шароитларда биоморфологик хусусиятлари ўрганилди. Ўсимликлар тарихий тараққиёти давомида турли экологик мухитга мослашган ҳаётий шаклга эга бўлади. Биотик ва абиотик омиллар ўсимликларнинг ривожланишида асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Турларнинг ҳаётий шакллари бўйича таснифи С. Раункиаер (1934) тизими асосида амалга оширилди [4; 39-97 б.].

Туркум турлари Ўзбекистон тоғ тизмаларининг денгиз сатҳидан 1100-4000 м баландликда, адир, ўрта тоғ, юқори тоғ ва яйлов минтақаларининг

тошли шагалли, кумли нураган тог ёнбагирларида, сийрак арчазор ва бутазорлар орасида, кўпинча очик жойларда қоя тошлари, йирик ҳарсанглар орасида тарқалган. Ушбу туркумга мансуб ўсимликлар эфир мойли, доривор бўлганлиги сабабли, кўпгина Европа давлатлари фармакопиясига кирган ўсимликлар рўйхатида киритилган ва халқ табobatiда қўлланилади[1; 40-45 б.; 3; 32 б.; 5; 48-53 б.].

Олиб борилган тадқиқотлар, намлик, тупроқ, баландлик ва ёруғлик таъсирида ўсимликлар органларида шаклланган ўзгаришларни кўрсатиб беришга асос бўлди. Бунда турларнинг экобиоморф хусусиятларига эътибор қаратилди. Ўсиш формаси, илдизининг чуқурга кириб бориши ва йўналиши, ноқулай шароитга мослашиши ҳамда ўсиш шароитига қараб гуруҳларга ажратилди. Аввало ўсиш формасига кўра, туркум турлари хамефит ва гемикриптофит ҳисобланиб, кучли ва кучсиз каудекс ҳосил қилган гуруҳларга фарқланади[2; 330-333-б. ](1-расм).



1-расм. Каудекси кучли ривожланган турлар (хамефит): 1- *D. adylovii*, 2- *D. scrobiculatum*



3)



4)



5)



6)



7)




8)

2-расм. Каудекси кучли ривожланган турлар (хамефит): 1- *D. adylovii*, 2- *D. scrobiculatum*, 3- *D. karataviense*, 4- *D. integrifolium* 5- *D. komarovii*, 6) *D. nodulosum*, 7) *D. nuratavicum*, 8) *D. oblongifolium*

Хамефит ўсимликлар бўйи 50-70 см дан ошмайди. Улар поясининг пастки қисми ёғочлашган, устки қисми ёғочлашмаган бўлади. Ушбу турларнинг каудекси кучли бўлиб, янгиланиш куртаклари ер юзига яқин жойлашади ва қишда барг қолдиқлари, майда шохлар билан ёпилиб қолади.


Туркум турлари орасида *D. adylovii*, *D. integrifolium*, *D. karataviense*, *D. komarovii*, *D. nodulosum*, *D. nuratavicum*, *D. oblongifolium*, *D. scrobiculatum* юқоридаги гуруҳга мансуб турлардир.

Гемикриптофит гуруҳига мансуб ўсимликлар вегетацияси тугагандан сўнг қишда ер устки қисми бутунлай қуриб қолади. Кадекси кучсиз ривожланган, ривожланиш куртаклари эса тупроқ остидаги танасида жойлашган бўлиб, ноқулай шароитдан ҳимоялангандир. Туркум турларидан *D. discolor*, *D. diversifolium*, *D. formosum*, *D. imberbe*, *D. nutans*, *D. spinulosum* ушбу гуруҳга мансубдир (3-расм).



3-расм. Каудекси кучсиз ривожланган турлар (гемикриптофит):

1-*D. imberbe*, 2-*D. formosum*, 3-*D. diversifolium*



4-расм. Каудекси кучсиз ривожланган турлар (гемикриптофит):

4-*D. nutans*, 5-*D. spinulosum*, 6-*D. discolor*

Туркум турларидан бири *D. gouleanum* терофит гуруҳига мансуб бўлиб, ер устки ва ер остки органлари вегетацияси тугагандан сўнг бутунлай қуриб қолади.

Таҳлил натижаларига кўра, бир неча хулосаларга эга бўлинди.

Туркум турларининг илдизи чуқурликка кириб бориши ва йўналиши ҳамда ноқулай шароитга мослашиши бўйича каудекс ҳосил қилиш хусусияти ўрганилди. Бунда туркум турларининг деярли барчасида илдизнинг тупрок ичига чуқур кириб борганлиги, илдиз йўналиши горизонтал эканлиги, ноқулай шароитга каудекслар орасидаги ёпик куртаклари орқали мослашганлиги, ер устки қисмининг қалин туклар билан қопланганлиги аниқланди.

Каудекснинг кучли ривожланганлиги айрим турларда яққол намоён бўлди (*D. adylovii*, *D. formosum*, *D. integrifolium*, *D. karataviense*). Каудекснинг ингичка ёки узун бўлиши кузатилди (*D. diversifolium*, *D. imberbe*, *D. nutans*).

Ўсиш шароитига кўра, намлик етарли бўлган қизил рангли кум тупроқларда (*D. diversifolium*, *D. formosum*), тош ва шағалда (*D. komarovii*, *D. nodulosum*, *D. nuratavicum*, *D. scrobiculatum*) ва қояларда (*D. adylovii*, *D. oblongifolium*) учраши аниқланди. Ўсиш шароитга мослашганлик уларнинг илдизи субстрактга чуқур кириб борганлиги, баргларининг майда ва қалин туклар билан қопланганлиги, барг четларида қозиксимон тишларнинг ҳосил бўлишида намоён бўлганлигида аниқланди.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаева Н.С. Ўзбекистонда тарқалган *Dracocephalum* L. туркуми турларининг географияси, экологияси ва аҳамияти: дис... биол. (PhD) – Гулистон, 2020. 40–45 б.
2. Азимшоева М.А., Денисова Г.Р., Морфология проростков и ювинельных растений некоторых видов рода *Dracocephalum* L. - журн. Доклады АН Рес. Тадж. 2011. вып. 54, № 4. – С. 330-333
3. Набиев М. Чотқол неъмат. - Тошкент: Ибн Сино. 2004. - 32 б.
4. Raunkiaer C. The life form of plants and statisticae plant geography. - Oxford, 1934. – P. 39-97. Michio I., Khojimatov.
5. Medical plants of Uzbekistan: their past, present and future // Scientific Journ. Of Samarkand University : V ol. 2019 , Article 9. pp. 48-53.